

**“O’zsanoateksport” акциядорлик жамияти навбатдан ташқари
акциядорларнинг умумий йиғилиши
№ 1-БАЁННОМАСИ**

Йиғилиш ўтказиш жойи: Ташкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107.
Йиғилиш санаси ва вақти: 2025 йил 14 март, соат 16-00 да.

Кворум - 73,36 %.

“O’zsanoateksport” АЖ Молия ва режалаштириш бўйича директор вазифасини бажарувчи – Бошқарув аъзоси Э.Д.Юлдашов Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил 20 февралдаги 2025/1-сонли Баённомасига асосан овозларни ҳисоблаш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун ҳисоб комиссияси сони ва таркибини маққулланганлигини, акциядорларга маълум қилди.

Ҳисоб комиссиясига кворумни аниқлаш ва умумий йиғилиш ваколатга эга бўлган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овозларни ҳисоблаш топширилди.

Ҳисоб комиссияси раиси Д.М.Хикматуллаева умумий йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш натижалари тўғрисида ахборот берди.

Унга кўра овоз берувчи акцияларнинг жами овозлар сони - 75 000 704 389,0 овоз.

Йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг овозлар сони - 54 495 398 673,0 овоз.

“O’zsanoateksport” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида умумий овоз берувчи акцияларнинг 73,36 фоизига эга бўлган акциядорлар иштирок этмоқда ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ваколатли ҳисобланади.

Шу муносабат билан Д.М.Хикматуллаева томонидан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш раиси ва котибини сайлаш таклиф қилинди.

Акциядорлар маъкур масалани муҳокама этиб, қуйидаги таклифни киритдилар:

Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиш раиси этиб - Жамиятнинг 47 901 640 608,0 дона ёки 63,86% оддий овоз берувчи акциялари эгаси бўлган - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили - Абдуллаев Миразиз Акбар ўғлини ва йиғилиш котиби этиб Жамият Молия ва режалаштириш бўйича Директори вазифасини бажарувчи - Юлдашов Элбек Дилмуродовичнинг номзодлари киритилди.

Акциядорлар ўзаро муҳокама этиб, очиқ овоз бериш йўли билан

ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

Абдуллаев Миразиз Акбар ўғли акциядорларнинг умумий йиғилиш Раиси ва Юлдашов Элбек Дилмуродович йиғилиш котиби этиб тасдиқлансин.

Бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси - “O‘zsanoateksport” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очик деб эълон қилди ва умумий йиғилиш кун тартиби билан акциядорларни таништирди:

1. “O‘zsanoateksport” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.

2. “O‘zsanoateksport” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссиясининг сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

3. “O‘zsanoateksport” АЖнинг 2024 йил натижалари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида.

4. “O‘zsanoateksport” Акциядорлик Жамиятининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси - “O‘zsanoateksport” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтишни таклиф қилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича: “O‘zsanoateksport” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш бўйича йиғилиш қатнашчиларига қуйидаги қоидалар таклиф этилди:

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг умумий вақти 40 дақиқа, кун тартибидаги маърузалар ва муҳокамаларнинг давомийлиги:

- асосий маърузачилар учун - 5 дақиқадан;
- кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича чиқишлар учун - 2 дақиқадан.

Йиғилиш раиси - “O‘zsanoateksport” АЖнинг умумий йиғилиши акциядорларининг юқорида кўрсатилган кун тартиби ва иш регламентини тасдиқлаш учун овоз беришни таклиф қилди.

Кун тартибидаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, яқуни бўйича

ОВОЗ БЕРДИЛАР:

“розилар”- 54 495 398 673,0 овоз, “қаршилар” - йўқ, “бетарафлар” - йўқ

ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

“O‘zsanoateksport” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг умумий вақти 40 дақиқа, кун тартибидаги маърузалар ва муҳокамаларнинг давомийлиги:

- асосий маърузачилар учун - 5 дақиқадан;

- кун тартибдаги бошқа масалалар бўйича чиқишлар учун 2 дақиқадан.

Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича: Йиғилиш раиси М.А.Абдуллаев сўзга чиқиб, Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил 20 февралдаги 2025/1-сонли Баённомаси қарорига асосан, акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисоб комиссиясининг миқдори ва таркиби маъқулланганини ва умумий йиғилишда тасдиқлаш учун киритилганлигини, бироқ Т.А.Исламов 21.02.2025 йилда аризасига кўра ишдан бўшаганлигини ҳисобга олиб, ҳисоб комиссиясини қуйидагича тасдиқлаш таклиф этилди ва уларни сайлаш учун овозга қўйди, яъни:

1. Хикматуллаева Дина Минисалиховна - “O‘zsanoateksport” АЖ Бухгалтерия ҳисоби ва валюта ҳисоб-китоби бўлими бошлиғи ўринбосари;

2. Раҳматов Дилшоджон Эшмўмин ўғли - “O‘zsanoateksport” АЖ Стратегик режалаштириш ва акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими 1-тоифали мутахасиси;

3. Шералиева Муслима Юлбарсовна - “O‘zsanoateksport” АЖ Инвестиция лойиҳалари ва уларни мониторинг қилиш сектори 2-тоифали мутахасиси.

Кун тартибдаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан апрофлича муҳокама қилиниб, якуни бўйича

ОВОЗ БЕРДИЛАР:

“розилар” - 54 495 398 673,0 овоз, “қаршилар” - йўқ, “бетарафлар” - йўқ

ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

Қуйидаги таркибда ҳисоб комиссияси таркиби тасдиқлансин:

1. Хикматуллаева Дина Минисалиховна - “O‘zsanoateksport” АЖ Бухгалтерия ҳисоби ва валюта ҳисоб-китоби бўлими бошлиғи ўринбосари;

2. Раҳматов Дилшоджон Эшмўмин ўғли - “O‘zsanoateksport” АЖ Стратегик режалаштириш ва акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими 1-тоифали мутахасиси;

3. Шералиева Муслима Юлбарсовна - “O‘zsanoateksport” АЖ Инвестиция лойиҳалари ва уларни мониторинг қилиш сектори 2-тоифали мутахасиси.

Кун тартибдаги учинчи масала бўйича: “O‘zsanoateksport” АЖ Молия ва режалаштириш бўйича директор вазифасини бажарувчи – Бошқарув аъзоси Э.Д.Юлдашов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятлари молиявий-хўжалик фаолиятини миллий ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиши кераклигини маълум қилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарорига асосан, йил якунлари бўйича Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичлари (СЙК) ҳисоб-китоблари қийматлари ва уларнинг бажарилиш

фоизларини ҳисоблаш каби профессионал хизматларини кўрсатиш орқали аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиши лозимлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига риоя этилиши бўйича Жамиятдаги корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни ўтказилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сонли Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3953-сон қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, аудиторлик хизматларини сотиб олиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида (etender.uzex.uz) жойлаштирилди (лот рақами 25120012411462).

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари харид комиссияси томонидан 2025 йил 06 февралдаги электрон баённома билан расмийлаштирилди.

Таклифларни баҳолаш усули - Тизим томонидан (Техник ва малака қисмининг баҳолаш коэффитсиенти: 50,0 / нарх қисмининг баҳолаш коэффитсиенти: 50,0). Минимал ўтиш балли - 90.

Харид комиссиясининг таркиби:

Харид комиссияси раиси:

Исламов Т.А. - Стратегик режалаштириш ва акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи;

Комиссия аъзолари:

Хабиева А.Ф. – Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Директор в.в.б.

Хикматуллаева Д.М. - бухгалтерия ҳисоби ва валюта ҳисоб-китоблари бўйича бош мутахассис - бош бухгалтер ўринбосари;

Мирсалимов А.А. - Ташқи харидлар бошқармаси бошлиғи;

Исмаилов Ш.А. – Юридик хизмати бошлиғи;

Комиссия котиби:

Рахматов Д.Э. - Стратегик режалаштириш ва акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими мутахассиси.

Ўтказилаётган электрон танлов доирасида “Osiyo-Audit” МЧЖ, “Balans-Inform-Audit” МЧЖ, “F-PLUS AUDIT” МЧЖ, “Odil Audit” МЧЖ ва “Nazorat-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотлари қатнашдилар.

Танлов натижаларига кўра максимал баллни олган “Nazorat-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлов ғолиби бўлди:

Умумий техник балл - 50 балл

Молиявий қисм учун умумий балл - 50 балл

Якуний балл - 100 балл.

Танлов натижаларига кўра 93,33 балл тўплаб “Balans-Inform-Audit” МЧЖ захира ижрочиси бўлди.

Тақдим этилган таклифга кўра, “Nazorat-Audit” МЧЖ томонидан Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини миллий ва халқаро стандартлар асосида текшириш, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, шунингдек, СМКнинг асосий кўрсаткичлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текширишни ўз ичига олади, хизматлар учун максимал тўлов ҚҚС билан 29,12 миллион (йигирма тўққиз миллион бир юз йигирма минг) сўм, бунда ҚҚС 3,12 млн. сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарорни қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киради.

Кун тартибидаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан атрафлича муҳокама қилиниб, якуни бўйича

ОВОЗ БЕРДИЛАР:

“розилар”- 54 495 398 673,0 овоз, “қаршилар” - йўқ, “бетарафлар” - йўқ

ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

1. “O’zsanoateksport” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини миллий ва халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини ўтказиш, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, шунингдек самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари (СЙК) ҳисоб-китобларининг тўғрилигини ва уларни амалга ошириш фоизларини текшириш учун “Nazorat-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти, унинг хизматлари учун тўловнинг энг кўп миқдори ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 29,12 млн.сўм деб тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўринчи масала бўйича: Йиғилиш раиси М.А.Абдуллаев сўзга чиқиб, Жамиятнинг амалдаги ташкилий тузилмаси Жамият акциядорларининг 2023 йил якунлари бўйича ўтказилган акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланганлигини маълум қилди.

Жамиятнинг ҳозирги кунда молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ижроия органи томонидан Жамиятнинг жорий ҳаражатларини қисқартириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини, шу ўринда Жамиятнинг ташкилий тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида унинг лойихаси ишлаб чиқилганлигини билдирди. Жумладан Жамият штатлар жадвалига киритилаётган ўзгаришлар 4-сонли иловага кўра шакиллантирилади.

Кун тартибидаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан атрафлича муҳокама қилиниб, якуни бўйича

ОВОЗ БЕРДИЛАР:

“розилар”- 54 495 398 673,0 овоз, “қаршилар” - йўқ овоз, “бетарафлар” - йўқ овоз

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “O‘zsanoateksport” АЖ акциядорлари томонидан билдирилган фикрлар ва таклифлар инобатга олинсин.

3. “O‘zsanoateksport” Акциядорлик Жамиятининг янги ташкилий тузилмаси иловага асосан тасдиқлансин.

“O‘zsanoateksport” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганлиги сабабли йиғилиш раиси йиғилиши ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш Раиси



М.А.Абдуллаев

Йиғилиш котиби



Э.Д.Юлдашов

Баённома имзоланган сана: «18» март 2025й.